

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI



XORIJIY TIL TA'LIMINING MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI

**Respublika oliy ta'lim muassasalariaro ilmiy-metodik konferentsiya
materiallari to'plami**

(2022 yil 20 aprel)

TOSHKENT-2022

51.	Эшгўхтарова Б.Б.	<i>Фразеология фанининг ривожланиши босқичлари</i>	160
52.	Saipova M.T.	<i>Fransuz tili o'qitishda leksikani o'rgatish</i>	163
53.	Назарова С.А.	<i>Ирригация ва мелиорация соҳасига оид терминларнинг ўзбек ва инглиз тилларидаги эволюцияси.</i>	167
54.	Хайдаров И.Т.	<i>Инглиз ва ўзбек тили сугурта терминларининг таржимавий эквивалентлик хусусияти</i>	172
55.	Собирова Д.А.	<i>Тилишуносликда қўшма гапларнинг умумсинтактик ва стилистик табиати</i>	174
56.	Акбаева Х.Б.	<i>Влияние эволюции французского языка на менталитет нации.</i>	177
57.	Ниязов Р. Т.	<i>Америка юридик детектив асарлар генезиси ва ривожланиши босқичлари</i>	180
58.	Abdurakhmonov G.T.	<i>Semantic features of phraseological units in sport</i>	184
59.	Кахарова И.С.	<i>Ўзбек ва инглиз тилларида тақлид сўзлар морфологияси</i>	189
60.	Собирова Д.А.	<i>Қўшма гапларнинг структурал-семантик ва стилистик тавсифи</i>	194
61.	Mansurova N.A.	<i>Adequacy of translation of terminological lexicon in texts with economic direction: functional aspect</i>	197
62.	Pardayeva S.A.	<i>Main characteristic feature of pragmalinguistics</i>	200
63.	Bekmurodova Z.E.	<i>Хиазмнинг грамматик конструкцияси</i>	202

UCHINCHI SHO'BA

MUTAXASSISLIK UCHUN XORIJIY TILLAR (ESP) O'QITISHDA FANLARARO INTEGRATSION TA'LIMNING AHAMIYATI: TAJRIBA, YUTUQLAR, MUAMMOLAR VA YECHIMLAR.

64.	Ikromkhonova F., Hoshimova O.	<i>Innnovative methods in teaching English for special purpose</i>	205
65.	Атаева Н.С.	<i>Иқтисодий таълимнинг касбий компетенция такомиллаштиришида хорижий тилларнинг ўрни (инглиз тили мисолида)</i>	210
66.	Khalilova H.Kh.	<i>Teaching English for specific purposes</i>	212
67.	Эрданова С. А.	<i>Инновационные методы обучения будущих экономистов-менеджеров</i>	215
68.	Abdurahmonova M.T.	<i>So'z turkumlarini o'qitishning samarali usul va metodlari.</i>	217

Bekmurodova Zebiniso Erkinovna
Alisher Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU
Xorijiy tillar kafedrası o‘qituvchisi

ХИАЗМНИНГ ГРАММАТИК КОНСТРУКЦИЯСИ

Калит сўзлар: стилистик фигура, тескари параллелизм, синтактик такрор, риторика, тескари такрор

Ўзбек тилшунослигида шеърийнинг синтактик қурилиши ва яратилишининг асосий тамойиллари бўлмиш синтактик воситалар батафсил ўрганилганича йўқ. Ана шундай воситалар сирасига хиазм – тескари синтактик такрорни киритишимиз мумкин. Узоқ пайт ҳеч ким хиазмни ўрганмаган ҳам, у фақатгина риторика, стилистика дарсликлари, энциклопедиялар, лингвистик термин луғатлари ва бошқа инфор­мацион нашрларнинг мулки бўлган, холос.

Ва ниҳоят, хиазм XX асрнинг сўнгги 10 йиллигида тадқиқотчиларнинг эътиборини жалб қилди, ҳозирги кунда махсус унга бағишланган бир неча ишларни кўришимиз мумкин, уларнинг орасида ҳаттоки диссертация ва монографиялар ҳам бор

Хиазм – бу икки гапда (ёки сўз бирикмасида) синтактик параллелизм тарзида қўлланувчи, яъни биринчи гапдаги гап бўлақларининг иккинчи гапда тескари жойлашуви ёки “Х” ҳарфи шаклида намоён бўлувчи гап бўлақларининг ўрин алмашувидир.

Яхшидан ёмон чиқди деб куйинма,
Ёмондан яхши чиқди деб суюнма. (Мақол) 74-бет

A jeune homme - vieux cheval.
à cheval jeune – vieil homme. (proverbe)

Келининг яхши бўлса, ўғлингдан кўр,
Ўғлинг ёмон бўлса, келинингдан кўр. (Мақол) 274-бет

La mer est forte comme un coeur
Mon coeur est doux comme la mer (Verlaine)

Хиазм максимал стилистик эркинликка эга. Уни барча стилистика оттенкалари мавжуд нутқ шаклларида учратиш мумкин. Ушбу чегарада унга жанр, композицион ва тематик зиддиятлар мутлақо бегона.

Лекин бадиий нутқда хиазмнинг яққол тимсолини, яъни стилистик таъсири худди шу формула асосида қурилган матндан қидирадиган бўлсак, уларни кичик шеърий матнлардан қидиришимиз мақсадга мувофиқдир. Икки мисрали хиазмнинг мисоли сифатида Эрве Базеннинг "Corollairement" шеърини келтирамиз:

Le bien d'autrui se supporte mal,
Le mal d'autrui se supporte bien...

A – B
 Le bien - mal
B – A
 Le mal - bien

Юқоридаги французча мисолдаги гап тузилишини қуйидаги ўзбек халқ мақолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ақлнинг таги – нақл,

Нақлнинг таги – ақл

A – B
 Aql - naql
B – A
 Naql - aql

Юқоридаги ўзбек ва француз мисолларидан кўришимиз мумкинки биринчи гапдаги гап бўлаклари иккинчи гапнинг охирида, биринчи гапнинг охиридаги гап бўлаклари эса иккинчи гапнинг бошида келяпти.

Хиазм, юқорида келтирилган барча мисоллардан кўриниб турибдики, шаклларнинг ноодатийлиги билан ажралиб туради. Ушбу иккала тилдаги мисолларда ҳам лексик, ҳам синтактик хиазмни кўришимиз мумкин. Биринчи мисрада тўлдирувчи – кесим – эга, иккинчи мисрада эса эга – кесим – тўлдирувчининг келиши бир қараганда инверсияга ўхшайди, лекин барча тилларда бундай тескари синтактик такрорни турли хил номлашади. Сўз тартиби ўзига ўхшаган синтактик фигураларни, бадий тасвир воситаларини ҳосил қилишда ҳам иштирок этади.

Хиазмнинг тескари такрор чап томони тескари жойлашадиган бинар қурилма сифатида таърифланган эканлигини биринчи марта ўзбек тилшунослигида дастлаб И.Мирзаев докторлик диссертациясида ўрганган.

Кейинги йилларда хиазм тадқиқига бағишланган диссертация ва илмий мақолалар эълон қилинди. Шулардан бири. Ўзбек тилшунослигида хиазм ва градация усули О.Мамазияев томонидан кенг таҳлил қилинган [6.6]:

Француз ёзувчилари Ж. Дюбуанинг лингвистик атамалар луғатида берган таърифида [Dubois 1973: 84] хиазм иборанинг антитеза ҳосил қилувчи ёки параллеллик ўрнатувчи 2 симметрик қисмининг инверсияси сифатида тавсифланади. Хиастик тузилмани ва ундаги антитезанинг факультативлигини, бу таъриф хиазмни ташкил этувчи асосий механизм сифатида инверсия деб аталишини алоҳида таъкидлайди.

Д. Феллинг биринчи навбатда такрорланувчи қисмларнинг ташки жойлашишини таъкидлайди. Унинг учун хиазм "2 қарама-қарши жуфтлик ёки қарама-қаршилик ва такрорлаш, 2 ўхшашликнинг ўзаро жойлашиши" [Fehling

1969: 116], яъни тўғридан-тўғри ва тескари сўз тартибига эга бўлган бинар тузилма бўлиб, унда антитеза ва такрор бўлиши мумкин.

Анъанавий равишда хиазмни ҳам семантик, ҳам грамматик планда номоён бўлиши мумкин бўлган марказий симметрия билан боғлашади; бу ерда биз марказий симметрия синтаксисни таъсир қиладиган мисолларни келтирамиз.

Le passé me tourmente et je crains l'avenir (Corneille)

Ўтмиш мени кемирмоқда, ва мен кўрқаяпман келажакдан (Корнель)

Charles se sentait defaillir a cette continuelle repetition de priers et de flambeaux? Sous ces odeurs affadissantes de cire et de soutane (Flaubert)

Хиастик тузилма пайдо бўладиган лексик фон унинг симметриясини кучайтириши мумкин: чап томоннинг конституитив элементлари зид бўлмаган ҳолда ўнгда қанчалик кўп такрорланса, хиазмнинг архитектуротикаси шунчалик ёркинроқ бўлади, бутун тузилма шунчалик носимметрик бўлади. Масалан: Je serai pour toi l'unique au monde. Tu seras pour moi l'unique au monde. (Saint-Exupéry). Il n'est pas l'homme si sage qu'il ne commette parfois de sottise, ni de sot qui ne fasse aucune acte sensé.. (Roman de Renart).

Тузилманинг максимал симметриклиги иккинчи турдаги хиазмларда номоён бўладики, унда конматн билан ажратилмаган ўнг ва чап қисмларнинг лексик тўлдирилиши тўлиқ ёки деярли тўлиқ мос келади.

Adabiyotlar

2. Квятковский А.П. Поэтический словарь. –М.: 1966, 325 с.
3. Mirzayev I.K. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста (на материале современной узбекской поэзии). Дисс.д-ра филол.наук. – Т.: 1992.
4. Mamaziyayev O.X. O'zbek poetik nutqida xiazm va gradatsiya. Filol. fan.nom.diss. – Farg'ona: 2004, -b. 20.
5. Винокур Т.Г. Закономерности стилистического использования языков единиц. Афтореф.дисс.д-ра.филол.наук. – М., 1980, 55 с.
6. Omonturdiyev J. Sintaktik takrorlar. // O'zbek tili va adabiyoti, 1971, 34-37 б.

